

✓

«ФРАНЦУЗ ТИЛИ»

фанидан намунавий

Д А С Т У Р

(нофилологик бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ - 2004

✓

«ФРАНЦУЗ ТИЛИ»
фанидан намунавий
Д А С Т У Р
(нофилологик бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ - 2004

44
Ф-88

Бр 32674/2.

"Французская"
Французская
на все
2004. 1830.

311

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

Тасдиқланди
Ўз.Р.ОЎМТВ



Ваз. ўр.

Ш. Аюпов
2004й.

«ФРАНЦУЗ ТИЛИ»

фанидан намунавий

ДАСТУР

(нофилологик бакалавр йўналиши учун)

ТОШКЕНТ - 2004

Ушбу дастур «Француз тили» фанидан бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Малакавий талаблар бакалавр талабаларнинг фан бўйича қандай тасаввурга эга бўлиши нисбатларни билиши кераклиги, қандай қўникмалар ҳосил қилиши лозимлигини ўз ичига олади.

Ушбу намунавий дастур шу фанга оид ишчи ўқув дастури, йиллик тақвимли режалар, мавзули дастурлар, дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш учун тавсия этилади. Намунавий дастурни келажакда тўлдирилган ва бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни қўйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент шаҳар, 700070, Шота Руставели кўчаси 25, ОЎМКХТРМ
Маънавият ва маърифат бўлими, тел.: 136-39-20.

Мазкур дастур намунавий дастур сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг махсус методологик комиссияси баённомаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртларининг илмий-услубий бирлашмаларини фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 2003 йил 15 февралдаги мажлисининг қарори билан тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчи масъуллар:
проф. Нишоналиев У., Ҳамдамова М.З.

Тузувчи: Д. А. Аликулова

Тақризчилар: Д.А.Жўрабоева,
З.Ш.Тўрабоева

Библиотека

СамСХИ
и.и.и.и.

32674/2

1. СЎЗ БОШИ

1.1. Фан мазмунига қўйиладиган малакавий талаблар

Таълим тизимини, хусусан, олий таълим тизимини ривожлантириш ҳукуратимизнинг давлат даражасидаги вазифаларидан биридир. Олий таълим ва кадрлар масаласи тўғрисидаги қонунлар шу вазифалардан келиб чиқди ва уларни амалда жорий қилиш давр талабидир.

Мустақил Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларининг тез суръатда ривожланиб ва мустақамланиб бориши чет тилларини пухта ўқиш ва ўргатишни тақозо қилади. Чет тилларини пухта эгаллаш замонавий илм-фан, техника ва маданият янгиликларидан хабардор бўлиш ва шу соҳаларга ўз ҳиссасини ҳам қўшиш демакдир. Ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида аҳамият берилиши, уларни комил инсон даражасига олиб чиқиш мақсадидандир.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган она юртимизнинг ёшлари эркин, мустақил фикр юрита оладиган, илмга чанқоқлиги, ўз ватани ва халқига чексиз муҳаббатли бўлиши, уни юксакларга кутариши ва шу йўлда ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгадиган, иродаси мустақам инсонлар бўлиши лозим. Улар янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олишлари лозим.

Бакалавр тизимида таълим олаётган талаба гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши лозим.

Табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши ҳам талаба масъулиятидаги асосий вазифалардан биридир.

2. Француз тили ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Маълумки, ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганиш маълум дастур асосида олиб борилади. Бакалавр тизимидаги таълим умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши; миллий истиқлол ғояси ва демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавият ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши ҳамда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳини ривожлантириши лозим.

Бакалавр тизимида ўқиётган талаба Ватани тарихини, тили тили ўрганилаётган мамлакат тарихини, ундаги иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётни билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, шунингдек, ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши лозим.

Бакалавр, таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга ва ўз ихтисослиги бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга тайёрланиши лозим.

Француз тили ўқитишнинг мақсад ва вазифалари жамиятимиз тараққиёти йўлидаги мақсад ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ёшларни комил инсон даражасида тарбиялаш, онгли, эркин фикрлайдиган даражага олиб боришда ҳам чет тилининг аҳамияти каттадир.

Чет тили воситалари орқали қуйидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади :

- талабанинг ўз она тилида олган билимларини ривожлантириш ва бойитиш;

- француз тилини морфологик ва синтактик тизимларини ўзлаштириш;

- оғзаки нутқ нормаларини тушуниш, шу тилда суҳбат олиб бориш, суҳбатдоши билан мулоқотда бўлиш;

- ёзма нутқ нормаларини эгаллаш, шу тилда маъруза, реферат, аннотациялар ёзиш;

- ўз фикрини бемалол баён этиш, ўзини қизиқтирган мавзулар бўйича савол-жавоб уюштириш;

– тилда нашр қилинган илм-фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиш;

– билимларни чуқур эгаллаш ва уларни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сарфлаш;

– мустақил, эркин фикр юритиш кўникмаларини эгаллаш;

– муомала маданиятини такомиллаштириш : ўзбек миллий анъаналарини тарғибот қилиш;

– тили ўрганилаётган мамлакат тарихини, сиёсий-ижтимоий ҳаётини, маданиятини, миллий хусусиятларини ўрганиш;

– француз ва ўзбек тилларини қиёсий планда ўрганиш. Икки тил орасидаги ўхшашлик ва тафовут томонларини аниқлаш;

– ўз мутахассислигига оид илмий журналларни мутоала қилиш ва фойдаланиш;

– илмий семинар ва конференцияларда маъруза билан қатнашиш;

– радио ва телевидение материалларини эшитиб тушуниш ва таҳлил қилиш;

– интернет тизимидан фойдаланиш.

3. Француз тилини ўқитиш мазмуни

Олий ўқув юртларида чет тиллари 3 та курсда, яъни I,II, III – курсларда олиб борилади. Француз тилини ўқитишга тўлиқ уч курс учун 216 соат белгиланади.

Дарслар комплекс равишда олиб борилади. Бир дарс давомида ўқитувчи фонетик, грамматик, лексик қоидаларни, янги сўз ва ибораларни, ҳамда ихтисосликка оид сўз ва атамаларни ўргатиши лозим.

Дастлабки босқич - I курс

Фонетик қоидаларнинг мураккаб мавзулари, эсга солиш учун такрорланади.Талабаларнинг мактаб, лицей ва коллежларда олган билимларини синаш мақсадида “дастлабки назорат иши” (стартовая контрольная работа) ўтказилиб, уларнинг билим даражалари аниқланади.

Талабаларнинг билимга интилиш ва эҳтиёжларини эътиборга олиб индивидуал ёндошиш тажрибаси ҳам қўлланиши мумкин. Мазкур усул талабанинг психологияси билан боғлиқ бўлади ва бериладиган уй вазифалари билан фарқланади.

Дарс тизими (структураси).

Матнни ўқиб таржима қилиш. Янги сўз ва ибораларни топиб ёдлаш ва ўзлаштириш. Матнда учрайдиган байналмилал сўзларни аниқлаш ва талаффузга эътибор бериш. Мақол, матн ва ибораларни ёд олиш, ўзбек тили билан таққослаш. Матн асосида савол тузиш ёки тайёр саволларга жавоб бериш. Диалог тузиш. Феъл гуруҳларини аниқлаш. Грамматик машқлар бажариш. Талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир.

Ўқув материали: дарслик, қўлланма, грамматик машқлар тўплами, оғзаки нутқ бўйича грамматик ишланмалар. Талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш мақсадида дастлаб грамматик, лексик машқлар, яъни феъл замонларини аниқлаш, керакли сўзларни ўз ўрнида қўллаш” кабилар. Бу вазифа аудиторияда ва уйда бажарилади. Мустақил ўқиш учун уй вазифаси I-семестрда охирларида берилади. Матн ўртача мураккабликда бўлади. Нотаниш сўз 2-3 % ни ташкил қилади.

Ўқиш, таржима қилиш.

Оғзаки нутқ.

Таржима (ёзув асосида).

Грамматик ва лексик машқлар дастурдаги материаллар бўйича олиб борилади. I-курсда, ҳар бир ҳафтада 15-20 янги сўз ўзлаштирилиши режалаштирилади. Мактаб, лицей ёки коллежда ўзлаштирган сўзлар ҳисобга кирмайди.

II — курс. Дастур асосида француз тили грамматикаси, фонетикаси, лексик қатламларидан анча хабардор бўлган талаба энди мураккаб матнларни ўқиб, таржима қилиш, сўзлаб бериш, шу матнга саволлар тузиш, ундаги воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатини баён қила олиш керак. Ўртача мураккаб матнларни лугатсиз таржима қилиш, сўзлаб бериш, саволлар тузиш, маълум бир қисми учун кичик дастур тузиш назарда тутилади. Матнни грамматик таҳлил қилиш. Ўқитувчи томонидан ўқилган ёки магнит тасмага ёзилган матнни эшитиб тушуниш. Мазмунини сўзлаш. Саволларга жавоб бериш. Уйда ўқиб топширадиган матнлар миқдорини ошириш. Чет эл мутахассислари билан мулоқотда бўлиш. Оғзаки нутқ. Диалог тузиш. Суҳбат мазмуни ва ҳажмини ошириш. Маъруза қилиш. Реферат тайёрлаш. Конференция, олимпиадаларда иштирок этиш.

III — курс. Дарс материаллари дастур асосида олиб борилади. Ўз михтисослигига оид мураккаб матнларни ўқиб, таржима қилиш. Францияда нашр этилган асл нусхадаги адаби-

ётлардан фойдаланиш. Факультет ёки кафедра томонидан тавсия қилинадиган илмий мақолаларни таржима ва таҳлил қилиш. Уйда ўқиб, топширадиган адабиётлар ҳажмини кўпайтириш. Ўзбекистон ва Франциянинг олимлари мавзусида суҳбат олиб бориш. Илм-фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиш. Ёзма, оғзаки нутқ кўникмаларини янада такомиллаштириш.

I, II, III курсларда ўқиб, ўрганиб ўзлаштирган билимлар асосида талаба, француз тилидаги матнларни хатосиз, ифодали ўқиб таржима қилиш, асл нусхадаги ва ихтисослигига оид матнларни тушуниб сўзлаш, турли мавзуларда суҳбат қила билиш, ўз фикрини баён қилиш хусусиятига эга бўлиш керак. Француз тилида гапирадиган мамлакатлар ҳақида. Швейцария, Бельгия, Канада. Уларнинг географик ўрни. Саноати, қишлоқ хўжалиги. Давлат тизими. Маданияти, миллий анъаналари. Шу мамлакатларда ёшлар ҳаёти, уларнинг қизиқишлари. Шу мамлакатларнинг машҳур кишилари.

Олий ўқув юртларида янги ўзлаштириладиган лексик бирликлар — ЛБ миқдори.

КУРСЛАР	I	II	III
ЛЕКСИКА	400-500	600-700	800-1000

Мактаб, лицей ва коллежларда ўзлаштирилган (пассив ва актив) 2500-2700 лексик бирликни ташкил қилса, олий ўқув юрти бакалавр бўлимини тамомлаган талаба 3.500 — 3.700 (пассив ва актив) ЛБ ни ўзлаштириш кўзда тутилади. Бу миқдор иқтидорли талабалар учун юқори бўлиши мумкин. Тил ўрганишни институт ёки университетда бошлаган талаба учун бу миқдор камроқ бўлади.

Уйда ўқиб топширадиган матнлар миқдори (ҳарф-белги ҳисобида)

Курслар	I- семестр	II- семестр
I курс	8 — 10	10 — 12
II курс	10 — 15	15 — 17
III курс	18 — 20	20 — 22

Талаба III курс охирида, I ва II курслардаги миқдорни қўшиб ҳисоблаганда 80-100 минг ҳарф-белги топширади.

Матнлар материали: ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, мамлакатшуносликка оид, машхур кишилар ижоди ва ҳаёти, фан-техника янгиликлари ва ўз мутахассислигига оид мавзулардан иборат бўлади.

4. Нутқ фаолияти турлари. Гапириш

Гапириш маълум тил қонуниятлари асосида грамматик ва фонетик жиҳатдан шаклланган тил бирлигидир. Гапириш фикрнинг шаклланиши ва ифодаланиши учун восита бўлиб, тил ўрганишдаги асосий омиллардан бири. Талаба ўз фикр-мулоҳазаларини, воқеа-ҳодиса тафсилотларини баён этишда шу воситадан фойдаланади.

Фикрни баён этиш — монолог ва диалог усуллари билан юзага чиқади.

Монолог. Моно — юнонча мен, логос — нутқ мазмунини англатади.

Монолог — бир киши нутқи бўлиб, унда сўзловчининг психологияси, ички кечинмалари акс этиши мумкин. Монологнинг бир неча турлари бор: саломлашиш, табриклаш, лекция, маъруза қилиш, сўзга чиқиш ва ҳоказо. Монолог — олдиндан режалаштирилган мавзуда гапириш имконини беради. **Диалог** — юнонча диалогос — суҳбатлашиш маъносини билдиради. Диалог — жонли тил маҳсули бўлиб, шахслараро фикр олишув. Диалогда нутқ жараёни, нутқ мавзуси, унга бўлган тайёргарлик, ҳозиржавоблик асосий рол ўйнайди.

Нутқ мавзуи турли-туман бўлиши мумкин.

Тинглаб тушуниш (аудирлаш).

Тинглаб тушуниш, суҳбатдошни бевосита ёки техник воситалар орқали эшитиб англаш, идрок қилиш. Бу усул аввалгиларга қараганда мураккаброкдир. Тилдаги мавжуд омоним, синонимлар, кўп маъноли сўзлар, уларнинг ёзилиши ва ўқилишидаги тафовутларни билиш зарур. Ўзлаштирилган ўқув кўникмалар бу усулда ёрдамчи воситадир.

Ўқиш- нутқ фаолиятининг бир тури бўлиб, ёзув нутқини фикрлаб, қабул қилиш жараёнидир. У кўриш органлари орқали амалга оширилади.

I — курс талабасида ўқиш қоидалари аввалги этапда ўзлаштирилган бўлиб, улар олий ўқув юртлар дастурлари асо-

сида тузилган материалларни ўқиш жараёнида такрорланади. Ўқиш, тушуниш такомиллашади.

Матнлар ўрганилган лексик-грамматик материаллар асосида тузилган бўлиб, нотаниш сўзлар 3-4 % ни ташкил қилади. Фактик материаллар - дарслик, ўқув қўлланмалари, қўшимча адабиётлар. Уйда ўқиш усули қўлланилиши мумкин.

II — III курсларда ўқиш мазмунан мураккаброқ ҳажм жиҳатдан миқдори ортиқ бўлади. Ихтисосликка оид матнларни ўқиш фаоллашади. Ўқиш — мулоқот воситаси ҳам саналади. Тилда узлаштирган ўқув ва кўникмалар кишида таянч вазифасини ўтайди. Информация, турли маълумотларга эга бўлиш — ўқиш орқали амалга оширилади ва билим савиясини оширишга ёрдам беради. Фактик материаллар учун дарслик матнлари, ихтисосликка оид қўлланмалар, атама луғатлари, кундалик ахборот воситалари — газета, радио, телевидение ахборотлари ўқиб, эшитиб идрок қилинади.

Чет элда чоп этилган турли ихтисосликка оид асл нусхадаги журналлар, қўлланмалар, дарсликлар ҳам зарур фактик материал ҳисобланади.

Таржима — маълум сўз, бирикма, матнни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш. Таржима таълимнинг ҳамма босқичида қўлланади ва чет тилини тушунишдаги асосий воситадир. Таржимада ўзбек тилига француз тилидан ўтган сўзларга алоҳида эътибор бериш лозим: аванс, албом, бассейн, батон, вагон, гардероб, одеколон, блокнот, антракт каби сўзларни таржимасиз тушунарли эканлигига эътибор қаратиш, уларнинг луғавий маъносини очиш. Она тили грамматик, лексик қоидаларига мурожаат қилиш, улардан фойдаланиш. Француз ва ўзбек тили қоидаларининг ўхшаш ва тафовут томонлари. Таржимадан Франциянинг турли жабҳалардаги янгиликларидан хабардор бўлиш учун тўлиқ фойдаланиш.

Ёзув. Бирор белги, ҳарф, рақам ёрдамида фикрни баён этиш. Ўрганилаётган тилнинг грамматик ва лексик қоидаларига риоя қилган ҳолда танлаган мавзунинг ёзма баён этиш.

Дастлабки босқич — I курсда ёзув-грамматик машқларни бажариш, ёзма иш ўтказиш билан ифодаланади.

Матнларни таржима қилиш. Уларга тўғри саволлар тузиш, диалоглар тузиш, суҳбат мавзуларини баён этиш, институт, университет, она шаҳри, унинг диққатга сазовор жойлари, машҳур кишилари ҳақида кўпроқ II, III босқичларда амалга оширилади. Ўқиган асари ҳақида, мутахассислигига оид матн-

лар асосида аннотация ва рефератлар ёзиш. Франциядаги почта, телеграф қоғозларни тулатиш, хат орқали мурожаат қилиш ва ҳоказолар.

Бакалавр тизими таълимини тугатган талабалар қуйидаги билим кўникмаларини эгаллашлари лозим:

I – курс охирида талаба:

1) француз тилидаги матнларни тўғри талаффуз билан ўқиши, тушуниши, саволга жавоб бера олиши ва савол бериши;

2) Ўқилган матн мазмунини сўзлаб бера олиши, ундаги грамматик мавзуларни ва қоидаларини тушуниши, она тилидаги грамматик мавзулар билан таққослай билиши;

3) Ўз ихтисослиги бўйича кичик ҳажмдаги матнларни луғат ёрдамида таржима қила олиши лозим.

II – курс охирида талаба:

1) Ижтимоий-сиёсий ва ихтисослигига оид матнларни ўқиб тушуниши, саволлар тузиши, ундаги янги сўз ва ибораларни ўзлаштириши;

2) Кундалик турмуш ва бошқа турли мавзулар бўйича суҳбат қуриши;

3) Магнит лентасига ёзиб олинган матнларни тинглаб тушуниш ва мазмунини сўзлаб бериши;

4) Ўртача мураккабликдаги матнларни таржима қилиши ва грамматик таҳлил қилиши лозим.

III – курс охирида талаба:

1) Дастурда кўрсатилган ҳажмдаги ЛБ (лексик бирликларни) ўзлаштириши;

2) Ижтимоий-сиёсий ва мутахассислигига оид матнлар асосида маъруза, рефератлар тайёрлаши;

3) Матбуот материалларидан (газета, журналлар) оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение) ва интернет тармоқларидан фойдалана билиши;

4) Ихтисослиги бўйича кафедра топшириқларини бажариш, мураккаб матнларни луғат ёрдамида таржима қилиши лозим.

5. Ўқиш жараёнини назорат қилиш

Ўқиш жараёнини назорат қилиш, талаба билимларини баҳолаб бориш, таълимнинг асосий вазифаларидан. Назоратнинг бир қанча турлари бор: ёзма, оғзаки, савол-жавоб, тестлар талабини бажариш. Тилда баён этилган аннотация, реферат ёздириш, грамматик лексик машқларни бажариш. Турли

мавзуда мунозаралар уюштириш. Талабалар илмий конференцияларида маъруза билан қатнашиши. Талабаларнинг меҳнат фаолиятини тўғри баҳолаш, ютуқларини эътироф этиш ва рағбатлантириш, уларни янада унумли ишлашга ундаш имконини беради.

I курс ва II курсларда I ва II — семестрларда жорий назорат; III курс I-семестрда жорий назорат; II-семестрда давлат имтиҳони билан якунланади.

Давлат имтиҳони

I - савол. Ихтисосликка оид матнни ёзма таржима қилиш (луғат ёрдамида) ҳажми 1200-1400 ҳарф белги. Вақти 40 минут.

II — савол. Ихтисосликка ёки мамлакатшуносликка оид матнни ўқиб, (луғатсиз) мазмунини сўзлаш. 800-1000 босма ҳарф. Вақти 20 минут.

III — Оғзаки нутқ. Дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича суҳбат ўтказиш.

6. Оғзаки нутқ мавзулари

I — курс.

1. Таржимаи ҳол. Яшаш шароити, танлаган касби, яқин қариндошлари ҳақида маълумот бериш.

2. Менинг ўқишим. Институтда ёки университетдаги ўқиши ҳақида. Чет тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида. Ўқиш жойидаги шароитлар. Талабаларнинг ётоқхонадаги яшashi ва шароитлари. Ўртоқлари билан бўлган муносабатлар. Факультет кутубхонаси. Ўзи ўқиётган факультет, институт, университет ҳақида, унинг ташкил этилиши ва шу ўқув юртининг таниқли кишилари ҳақида.

3. Ўзбекистон Конституцияси, Давлат рамзлари. Ўзбекистон мадҳияси.

4. Ўзбекистон миллий байрамлари. Мустақиллик куни, Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз байрами, Хотира ва кадрлар куни, Конституция куни ва бошқалар.

5. Ўзбекистон ва Франциядаги иқтисодий, маданий ва ижтимоий алоқалар. Ўзбекистон ва Францияда транспорт воситалари. Метро. Ҳаво йўллари.

6. Экология. Умумий ва хусусий (миллий) экология. Табиатни асраш ва муҳофаза қилиш. Экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари. Орол ҳақида.

II-курс.

1. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва маърифий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар.

2. Ўзбекистон ва Франциянинг йирик шаҳарлари (Париж, Лион, Бордо, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива).

3. Ўзбекистон ва Франциянинг миллий анъаналари, спорт, Ўзбекистондаги миллий спорт турлари: кураш, бокс ва кўпқари.

4. Ўзбекистон ва Франциядаги машҳур инсонлар ва уларнинг Дунё цивилизациясига қўшган ҳиссалари.

III – курс.

1. Оммавий ахборот воситалари. Газета, радио, телевидение, почта, интернет, электрон почта.

2. Менинг мутахассислигим. Илм-фан, техника соҳасидаги янгиликлар.

3. Француз тилида гаплашувчи мамлакатлар: Бельгия, Швейцария, Канада ва бошқалар.

4. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Миллий қаҳрамонлар.

7. Грамматик мавзулар

I – курс.

Грамматик минимум.

Морфология.

Артикл. Артиклнинг қўлланмаслик ҳоллари. От. Турдош ва атоқли отлар. Отларнинг гапдаги ўрни. Омоним. Синоним. Антонимлар. Сўзлар оиласи (buche, bucher, bucheron каби). От ясовчи суффикслар. Сўз охирида x, z, s ҳарфларига тугалланувчи отлар ҳақида. Au, eau, eu, ou, al, ail ҳарф бирикмаларига тугалланувчи отлар.

Сифат. Сифат ясовчи суффикслар. Сифатларда женский род. Сифатларда куплик. Сифат даражалари. Сифатларнинг от билан мослашуви.

Олмош. Олмош - эга. Олмош — воситали ва воситасиз тўлдирувчи. Уларнинг гапдаги ўрни. Урғули шахс олмошлари. Уларнинг гапдаги ўрни. Кўрсатиш олмошлари: Celui-celui-ci; celle-ci, ceux-ci, celles-ci; celui-la, celle-la, ceux-ci, ceux-la кабилар. Суроқ олмошлари: Qui? Qu'est-ce qui? Que? Нисбий олмошлар: qui, que, quoi, don't, ou. "On" олмошининг гапдаги вазифаси.

Сон. Санок сонлар. Тартиб сонлар. Уларнинг ясалиши ва қўлланиши. Сонларнинг гапдаги ўрни.

Феъл. Феълларнинг гуруҳларга бўлиниши. I-гуруҳ феълларининг Present de l'Indicatif замонида тусланиши. II- ва III-

гурух феъллари : finir, battre, partir, sortir, venir, ouvrir
феълларининг тусланиши.

Содда замонлар. Futur simple, Imparfait, Conditionnel present, Subjonctif present, Passe simple.

Мураккаб замонлар. Passe compose, Plus-que-parfait, Conditionnel passif, Subjonctif passif, Futur antérieur, Passe antérieur, Futur immédiat, "ant" шаклидаги замонлар.

Participe present, Gerondif, Adjectif verbal. Пассив форма. Олмошли феъллар. Равиш. Содда ва мураккаб равишлар. Равиш турлари. Равишларнинг гапдаги вазифаси. Равиш даражалари.

Предлоглар: a, de, dans, sur, sous, avant, devant, chez, après, pendant, avec, par, depuis, des, en, pour.

Предлогларнинг гапдаги вазифаси.

Боғловчилар. Содда боғловчилар : et, mais, car, ou, donc.

Тобе боғловчилар: que, quand, parce que, si, lorsque.

Синтаксис. Гап бўлаклари. Бош ва иккинчи даражали бўлаklar. Эга, кесим, тўлдирувчи. Аниқловчи. Ҳол. Гапда сўз тартиби. Дарак, сўроқ, инкор билдирувчи гаплар.

II — курс.

III — гуруҳ феълларининг содда ва мураккаб замонларда тусланиши. Масалан, oïr билан тугалланувчи феъллар: savoir, pouvoir, vouloir; re — билан тугалланувчи феъллар: prendre, comprendre, attendre, apprendre; ir — билан тугалланувчи феъллар: tenir, partir, sortir, venir кабилар. Турли иборалар ва мақоллар ҳақида. Ихтисосликка оид сўз, ибора ва атамаларни киритиш.

Ушбу ўринда ҳар бир фан учун хос бўлган ибора ва атамалар кўзда тутилади: тил ва адабиёт, математика, физика, химия, тарих ва бошқалар.

Қўшма от, қўшма сифат, мураккаб равиш ва мураккаб предлоглар ҳақида. Масалан: un vice-président, un nouveau-ne, peu a peu, a propos de, avant que кабилар.

III — курс.

Морфология. Артикларнинг шаҳар ва мамлакатлар олдида қўлланиши ва қўлланмаслиги ҳақида.

От. Қўшма отларда кўплик ясалишининг қоидалари : un chou-fleur, -des choux-fleurs, un ver a soie-des vers a soie, un vice president-des vice presidents кабилар.

Сифатлар. Сода ва қўшма сифатлар. Sourd-muets, Greco-latin, avant-dernier, nouveau-ne кабилар. Сифатларда род. Сифат даражалари. Bon, bonne, mauvaise, petite сифатларининг ўзгариши ҳақида. Grand, pauvre, brave, honnête, propre сифатларининг гапдаги ўрни ва маъноларининг ўзгариши.

Олмош. Эгалик олмошлари: le mien, le tien, le sien. Мураккаб олмошлар: lequel, laquelle, lesquels, lesquelles. En, у олмошларининг гапдаги урни.

Сон. Саноқ ва тартиб сонлар. Сонларнинг гапда қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари. Саналарда сонларнинг қўлланиши.

Феъл. 3-гуруҳ феъллари: avoir, etre нинг мустақил феъл ва ёрдамчи феъл сифатида қўлланиши ва улар иштирокидаги иборалар.

-re, oir қўшимчали феъллар: mettre, rendre, vivre, rependre, apprendre, comprendre, prendre, vouloir, savoir, pouvoir феъллари.

Faire, laisser феълларининг гапда infinitif билан қўлланган-даги маъно ва функциялари: faire tomber, faire venire, faire entrer, faire savoir, laisser tomber, laisser passer, laisser parler, laisser entrer кабилар.

Замонлар ясалиши. Infinitif, present de l indicative, passif simple, participle passif дан ясаладиган замонлар.

Равиш. Мураккаб равишлар: peu a peu, tout de suite, sur le champ, a peine, tout a fait каби.

Содда ва мураккаб предлоглар. Предлоглар билан ясалган иборалар.

Богловчиларнинг синтактик ва функционал вазифалари.

Синтаксис. Гапларнинг синтактик боғланиши.

Сифатдошли гап. Феълнинг ноаниқ шаклсидаги гап.

8. Асосий адабиётлар

1. Л.Г.Вохидова, У.Турниезов. Француз тили грамматикаси. Т., 1976
2. М.А.Бабаян, Н.М.Флерова. Практическая грамматика французского языка. М. 1964
3. Д.А.Аликулова, Д.А.Журабоева. Француз тили дарслиги. Т., "Ўзбекистон", 1999
4. Л.П.Потушанская и др. Французский язык. Практический курс. Часть 2, М., 1991
5. И.С.Самохотская. Вводный курс французского языка для неязыковых вузов. М., 1981
6. Ю.И.Суслова. Учебник французского языка для I курса гуманитарных факультетов университетов. М., 1980
7. Ю.И. Суслова. Учебник французского языка для II курса гуманитарных факультетов. М., 1980
8. Е.О. Костецкая, В.И.Кардашевский. Практическая грамматика французского языка для неязыковых курсов. М., 1980
9. Д.Г. Хасанова ва бошк. Француз тили дарслиги. Т., 1997
10. С.Т.Жураев. Le francais. Педагогика институтлари (факультетлари) нинг куйи курс студентлари учун. Т., 1989.
11. Maurice Monge et d autres. Mathematiques. Paris, 1981.
12. И.В.Николаева. Справочник по спряжению французского глагола. М., 1989

13. Г.А.Китайгородская. Cours accelere., М., 1989
14. П.И.Заславская, И.Н.Юматова. Учебник французского языка. М., 1974

Кўшимча адабиётлар

1. Л.И. Гаврилова, Н.А.Шигаревская. Сочетательные связи французских глаголов. М., 1978
2. Е.Б.Ройзенблит. Самоучитель французского языка. М., 1982
3. Д.А. Аликулова. Методическая разработка для студентов математического факультета. ТашГУ., 1981
4. Д.А. Аликулова, Д.А. Журабоева. Химия факультетларининг II-IV курс узбек группалари студентлари учун француз тилидан методик кўрсатма. ТашГУ., 1988
5. Д.А. Аликулова, З.Ш. Мирзаева. Методическая разработка на французском языке (для студентов географического факультета). ТашГУ., 1991
6. Д.А. Аликулова. Риезиег ва Кимё куллийтлари талабалари учун француз тили грамматикасидан машқлар туплами. ТашГУ., 1993
7. Е.М. Пригоровская и др. Сборник текстов по педагогике, физике, химии, биологии и географии на французском языке. Ленинград., 1975.
8. Р.Н. Пашинина. Трудности перевода с французского языка (на материале математической лексики). Ленинград, 1974
9. Т.П. Степенная, Е.Л.Туницкая. Пособие по французскому языку для студентов географов старших курсов. М., Изд-во МГУ., 1986
10. А.М. Иванова. Обучение письменной речи на французском языке. М., 1981
11. А.В.Базанова. Реферирование текстов на французском языке. М., 1984
12. G.Pivovarova. Geographie recreative et differential.
13. Maurice Greivisse. Le francais correct. Guide pratique. Paris
14. Louis Corrieu et d autres. Mathematiques terminale. D. Algebre-Geometrie-Probabilites. Paris., 1989

9. Лугатлар

1. Л.В. Шерба. Французско-русский словарь. М., 1983
2. Л.В. Шерба, М.И.Матусевич. Русско-французский словарь. М., 1983
3. В.В. Потоцкая, Н.П.Потоцкая. Французско-русский словарь. М., 1974
4. Micro Robert. Dictionnaire de la langue francaise. t.1-2. Paris, 1980
5. Petit Robert. Dictionnaire de la langue francaise. Paris., 1988
6. Т.Аликулов, Ш.Хайдаров. Французча-узбекча лугат. Т., 1991
7. Т.Аликулов. Французча-узбекча лугат-минимум. Т., 1991
8. Т.Аликулов. Узбекча-французча лугат. Т., 1984

Самсхм

иhr

№

32

674/2

2